

Адолат ва инсоф ўта муҳим



16:10 / 10.02.2024 2266

Адолат ва инсоф ўта муҳим нарсалардир. Аллоҳ таоло мўминларни гарчи ўз зарарларига, ота-оналари ва қариндошлари зарарига бўлса ҳам адолатни қоим қилишга ва тўғри гувоҳлик беришга чақирган. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тутумлари ҳам шундай эди. **«Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммад қизи Фотима ўғрилик қилса, ҳеч шубҳасиз унинг ҳам қўлини кесган бўлардим...».**

Бухорий ривояти.

Саҳобаларнинг тутуми ҳам шундай бўлган. Тобеинлар ва уларга эзгулик билан эргашганларнинг ҳам ҳоли шундай эди.

Шурайҳ Қозининг ўғли бир куни отаси ҳузурига келиб айрим одамлар

билан ўртасида хусумат юзага келганини айтиб кенгаш қилади. Отаси унга бўлган воқеани айтиб беришини сўрайди. У айтиб беради ва отасидан мазкур келишмовчиликда унинг ҳақ ёки ноҳақлигини сўрайди. Бунинг сўраётганининг сабаби шуки, дейди отасига:

- Агар мен ҳақ бўлсам, уларни қозига арз қилиб, даъволашман. Бордию улар ҳақ бўлса, у ҳолда улар билан келишиб оламан. Отаси уни диққат билан тинглагач, улар билан даъволаш, деди. Энг катта қози эса отаси Шурайҳ эди. Шундай қилиб, қозининг боласи ўз хасмларини даъвога тортди. Чунки, отасининг «улар билан даъволаш!» деган сўзидан ўзининг ҳақ эканлигида шубҳаси қолмаганди. Қози Шурайҳ ҳузурига тўпланган ўғлининг хасмлари ўғлини эшитгач, ҳукми ўғлининг ёвлари фойдасига ва ўғлининг зарарига чиқарди ва ўғлини уларнинг ҳақларини адо этишга мажбур қилди. Рақиблар кетгач, Шурайҳнинг ўғли отасидан қаттиқ хафа бўлди. **«Мени қаттиқ шарманда қилдингиз, отажон», дея ёзғирди. «Сиз билан бу борада маслаҳатлашмаган бўлганимда ҳам сизни маломат қилмасдим. Менинг ноҳақлигимни айтсангиз бўларди-ку ўшанда?! Ахир, мен фарзандингизманку! Шунчалик ҳам ёмон кўрасизми, мени?!»**, деди. Шунда Қози Шурайҳ шундай жавоб берди:

«Ўғлим, сен менга Ер юзи тўла шундай одамлардан маҳбуброқсан. Лекин, Аллоҳ мен учун сендан азизроқдир. Агар мазкур хусуматда сен ноҳақсан» деганимда улар билан бориб сулҳ қилардинг. Ҳақ бўлсанг, қозилашиб, ноҳақ бўлсанг сулҳга боришинг, адолатдан эмас. Зеро, бу ҳолатда улар сенинг келишувга мойил бўлганинг учун ўзларининг айрим ҳақларидан ўзлари хоҳламаган ҳолда воз кечишга тайёр бўлардилар. Шундай бўлмасин, дея «улар билан даъволаш!» дедим. Токи, ҳақларига заррача ҳам нуқсон етмасин.

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 25 январь 03-07/400-сонли хулосаси асосида тайёрланди.